

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ В2023.3.PhD/Tib3868  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**АБДУЛЛАЕВА НИЛУФАР ИКРОМБЕКОВНА**

**ЎСМИРЛАР ВА ЁШЛАРДА ПАРОДОНТНИ ЯЛЛИГЛАНИШ  
КАСАЛЛИКЛАРИНИ КЛИНИК – ФУНКЦИОНАЛ БАҲОЛАШ ВА  
ЭРТА ДИАГНОСТИКАСИ**

**14.00.21- Стоматология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Самарқанд 2024**

**Фан доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertations abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Абдуллаева Нилуфар Икромбековна**

Ўсмирлар ва ёшларда пародонтни яллиғланиш  
касалликларини клиник – функционал баҳолаш  
ва эрта диагностикаси..... 5

**Абдуллаева Нилуфар Икромбековна**

Клинико-функциональная оценка,  
ранняя диагностика воспалительных заболеваний  
пародонта в подростковом и молодом возрасте..... 29

**Abdullaeva Nilufar Ikrombekovna**

Clinical - Functional assessment, early  
diagnosis of inflammatory periodontal  
disease in adolescents and young adults ..... 53

**Эълон қилинган нашрлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
Lists of published works..... 56

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ В2023.3.PhD/Tib3868  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**АБДУЛЛАЕВА НИЛУФАР ИКРОМБЕКОВНА**

**ЎСМИРЛАР ВА ЁШЛАРДА ПАРОДОНТ КАСАЛЛИКЛАРИНИ  
КЛИНИК ВА ФУНКЦИОНАЛ БАҲОЛАШ ҲАМДА УЛАРНИ ЭРТА  
ТАШХИСЛАШ**

**14.00.21 – Стоматология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Самарқанд – 2024**

**Номзодлик диссертацияси (PhD) мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № В2023.3. PhD/Tib3868 рақам билан рўйхатга олинган**

**Диссертация Самарқанд Давлат тиббиёт университетида бажарилган.**

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз) илмий кенгаш веб-саҳифаси ([www.sammu.uz](http://www.sammu.uz)) манзилига ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим порталининг [www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz) манзилларига жойлаштирилган

**Илмий раҳбар:**

**Ахмедов Алишер Астанович**  
тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Расмий оппонентлар:**

**Назарова Нодира Шариповна,**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор.

**Беленова Ирина Александровна,**  
тиббиёт фанлари номзоди, профессор.

**Етакчи ташкилот:**

**Смоленск Давлат тиббиёт университети  
(Россия Федерацияси).**

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат тиббиёт университети ҳузуридаги DSc.04/05.06.2020.Tib.102.02 сон Илмий Кенгашнинг «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2024 йил соат \_\_\_ даги йиғилишида бўлиб ўтади. Манзил: 140100, Самарқанд шаҳар, Амир Темур кўчаси, 18-уй. Тел.: (+99866) 233-07-66; факс: 66233775 (366); e-mail [sammu@sammu.uz](mailto:sammu@sammu.uz).

Диссертация (PhD) билан Самарқанд давлат тиббиёт университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№. \_\_\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 140100, Самарқанд, Амир Темур кўчаси, 18-уй. Тел./факс: (+99866) 233-07-66;

Диссертация автореферати 2024 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.

(2024 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_ рақамли реестр баённомаси)

**Ж.А. Ризаев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Г.У.Самиева**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий  
котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

**М.Т.Насрединова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раис ўринбосари,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

## **КИРИШ (фалсафа фанлари доктори диссертациясининг аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурути.** ЖССТ маълумотларига кўра, гингивит ва пародонтитнинг юқори даражаси катталарда ҳам (35-44 ёшда – 98,5% гача), 10-19 ёшдаги балоғат ёшидаги шахсларда ҳам (89% гача) кузатилиши мумкин. Пародонтда патологик жараённинг ривожланиши ва асоратли кечишига бошқа турли омилларнинг кўшилиши сезиларли таъсир кўрсатади. Метагеном тадқиқотларнинг натижалари “одам организми кўплаб бактериялар потенциал патоген штаммларининг табиий резервуари бўлиб, юқумли жараён тананинг маълум бир локусининг микробиотаси таркибида бир ёки бир нечта кўзгатувчиларнинг устунлиги билан дисбиотик ҳолат сифатида баҳоланишини кўрсатади...”<sup>1</sup>.

Пародонт тўқимасининг касаллиги оғиз бўшлиғи микрофлораси ва организмнинг иммун ҳимояси ўртасидаги номуносивлик натижаси ҳисобланади. Шунинг учун яллиғланишни бартараф этиш учун турли хил антибактериал воситалар (антисептиклар, антибиотиклар, фитопрепаратлар) қўлланилади. Бироқ, охириги пайтларда оғиз бўшлиғининг облигат микрофлораси вакилларига салбий таъсир кўрсатадиган ҳамда антибактериал ҳимоянинг маҳаллий омилларини янада камайтирадиган микробларга қарши дориларни нооқилона қўллаш натижасида атипик инфекция агентлар (вируслар, замбуруғлар) ёки антибактериал терапияга резистент пародонтит шакллари пайдо бўлди.

Мамлакатимизда аҳолига мутлақо янги ва сифатли тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича мақсадли чора-тадбирлар белгилаб олинди, соғлиқни сақлашнинг самарали модели жорий этилди ва ижобий натижаларга эришилди. Қабул қилинган чора-тадбирлар туфайли даволаш жараёни юқори даражага кўтарилди. Тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтариш мақсадида Ўзбекистон Республикасини 2022-2026 йилларда янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегиясида "...бирламчи тиббий-санитария хизматида аҳолига малакали хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш..."<sup>2</sup> каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалар, ўз навбатида, балоғат ёшидаги шахсларда пародонт касалликларининг тарқалиши бўйича чуқур илмий тадқиқотлар ўтказиш ва уларни олдини олиш, ташхислаш ҳамда даволашнинг замонавий технологияларидан фойдаланиш усулларини такомиллаштиришнинг устувор йўналишларини белгилайди.

Ушбу диссертация иши Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947–сонли “Ўзбекистон Республикасини янада

---

<sup>1</sup> Лосев К.В., Верендеева М.А., Костякова Т.В., Белов И.В., Козлов Н.А., Кузина О.В., Дудник Е.С.

Эпидемиология и микробиология воспалительно-деструктивных заболеваний пародонта в детском возрасте // Актуальные проблемы медицины. 2022. №2. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/epidemiologiya-i-mikrobiologiya-vospalitelno-destruktivnyh-zabolevaniy-parodonta-v-detskom-vozhraze>.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60–сонли “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони.

ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, 2011 йил 28 ноябрдаги ПҚ–1652–сонли “Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сонли “Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017 — 2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорлари, 2018 йил 10 майдаги 5274-сонли "Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича танқидий ўрганишни ташкил этиш ва таклифлар тайёрлаш тўғрисида" ги Фармони ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий–ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Адабиёт манбаларида пародонт тўқима касалликларининг балоғат даврида клиник кўринишларининг ўзига хос хусусиятларини акс эттирувчи бир нечта нашрлар мавжуд (Glowacka J. ва бошқ., 2020; Wise-Oringer В.К. ва бошқ., 2022). Сурункали тарқалган катарал гингивит билан касалланган ўсмирлар ва ёшларда иммунологик ҳимоянинг умумий ва маҳаллий механизмлари бостирилиши ҳақида даололат берувчи иммунологик тадқиқотлар келтирилган (О.Э. Рейзвих ва б., 2017; Díaz Rosas С.Ҳ. ва б., 2018). Ўзбекистонда балоғат ёшидаги шахсларда кечадиган пародонт касалликлари муаммосига гингивитнинг турли шакллари клиник кечиши ва уларнинг 6 ёшдан 16 ёшгача бўлган болаларда тарқалиши хусусиятларини ўрганган С. Муртазаев, Л. Абдуазимова, М. Мухторова, Н. Саидахмедова (2019) эътибор қаратиб, беморларнинг ушбу тоифасида яллиғланиш генезига эга асосий пародонт касаллиги сурункали катарал гингивит эканлигини ва яллиғланишли касалликларнинг ривожланишида микроб омили етакчи рол ўйнашини аниқлаган.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат тиббиёт университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №623400260 “Юз-жағ соҳасининг жароҳатлари, нуқсонлари, деформациялари ва яллиғланиш касалликлари бўлган беморларни ташхислаш, даволаш ва реабилитация қилишнинг замонавий усулларини ишлаб чиқиш” (рўйхатдан ўтиш рақами № 011900258, (2019-2023 йй.)) мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқот мақсади.** Балоғат ёшидаги шахсларда пародонт тўқима касалликларининг кечишини клиник хусусиятлари, микробиологик ва иммунологик кўрсаткичларини ўрганиш орқали уларни даволаш ва олдини

олиш самарадорлигини ошириш ҳамда клиник ва лаборатор тадқиқотлар асосида комплекс терапияни асослашдан иборат.

**Тадқиқот вазифалари:**

балоғат ёшидаги шахсларда пародонт тўқима касалликларининг тарқалиши, интенсивлиги ва тузилишини аниқлаш;

оғиз суюқлигининг микробиологик спектрини ўрганиш ва пародонт тўқима касалликлари билан касалланган балоғат ёшидаги шахсларда ОБШПнинг колонизацион резистентлигини баҳолаш;

пародонт тўқима касалликлари билан касалланган балоғат ёшидаги беморларнинг қон зардобида ҳужайравий ва гуморал иммунитетнинг ўзгаришини ўрганиш;

пародонт тўқима касалликлари мавжуд бўлган балоғат ёшидаги шахсларнинг қон зардобида цитокин профилидаги ўзгаришларни ва яллиғланишнинг ўткир босқичидаги оқсиллар миқдорини аниқлаш;

ушбу тоифадаги беморларда тавсия этилган даволаш ва профилактика комплексининг клиник самарадорлигини асослаш ва баҳолаш.

**Тадқиқот объекти** балоғат ёшидаги беморларда пародонт тўқималарининг касаллигидан иборат.

**Тадқиқот предмети** балоғат ёшидаги беморларда пародонт тўқима касалликларини комплекс даволаш ва олдини олишни клиник ва лаборатор асослашдан иборат эди.

**Тадқиқот усуллари.** Ушбу вазифаларни амалга ошириш мақсадида пародонт тўқимасининг ҳолатини ва тавсия этилаётган даволаш самарадорлигини баҳолаш учун клиник; оғиз суюқлиги микробиоценозининг хусусиятларини ва ОБШПнинг колонизацион резистентлигини аниқлаш учун микробиологик; ҳужайравий ва гуморал иммунитетдаги ўзгаришларни, цитокин тизимининг дисрегуляция даражасини ва умумий яллиғланиш реакциясининг ифодаланганлигини аниқлаш учун иммунологик; олинган натижаларни математик ҳисоблаш учун статистик усуллар қўлланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:**

илк бор балоғат ёшидаги шахсларда пародонт тўқимаси касалликларининг тарқалиши, патогентик механизмлари, интенсивлиги ва ушбу касалликнинг хавф гуруҳлари мезонлари асосланган;

илк бор балоғат ёшидаги пародонт тўқима касалликларига чалинган беморларда оғиз суюқлигида аэроб ва анаэроб микрофлора купайиши ҳисобига микробиоценоз дисбаланси кузатилиши ва бунинг натижасида ОБШПнинг колонизацион резистентлиги бузилиши аниқланган;

пародонт тўқима касалликлари билан касалланган балоғат ёшидаги беморларнинг қон зардобида ҳужайравий иммунитет кўрсаткичлари жумладан, CD3-лимфоцитлар 19,28–23,88% га, CD22-лимфоцитлар 1,08–3,6% га ва CD8-лимфоцитлар 1,5–5,2% га камайиши ҳамда цитокин профили кўрсаткичлари: IFN- $\gamma$  - 1,5 маротаба, IL-1 - 1,37-1,69 маротаба, IL-2a – 1,28

маротаба, TNF- $\alpha$ : 1,9-2,37 маротаба ва яллиғланишнинг ўткир босқичи оксиллари 1,93-4,3 маротабага ошиши илмий исботланган;

балоғат ёшидаги пародонт тўқима касалликларига чалинган беморларни пародонт тўқимасидаги дистрофик-яллиғланишли зарарланишларнинг дастлабки даврида маҳаллий ва умумий таъсирдаги патогенетик йўналтирилган такомиллаштирилган схема асосида даволаш самарадорлиги исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

балоғат ёшидаги шахсларда стоматологик ёрдамни амбулатория ва стационар шароитда режалаштиришда қўллаш мумкин бўлган пародонт тўқима касалликларининг тарқалиши ва интенсивлигини ўрганиш натижалари олинган;

балоғат ёшидаги пародонт тўқима касалликларини ташхислашда ҳамда даволаш пайтида терапевтик тадбирларнинг самарадорлигини баҳолашда қўллаш мумкин бўлган оғиз суюқлигидаги микробиологик кўрсаткичлар ва қондаги иммунологик параметрлар аниқланган;

балоғат ёши фониди тарқалган пародонтитни комплекс даволаш ва олдини олишнинг янги усули ишлаб чиқилган ва амалиётга жорий этиш учун асосланган ҳамда клиник соғайишни тезлаштирувчи ва пародонт тўқималарида жараённинг турғун барқарорлашувига ҳисса қўшадиган терапевтик ва профилактика комплекси синовдан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** тадқиқот ишида ёндашув ва усулларнинг қўлланилганлиги, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мувофиқлиги, ўтказилган тадқиқотнинг услубий тўғрилиги, беморлар сонининг етарлилиги, статистик текшириш усулларида фойдаланган ҳолда қайта ишланганлиги, шунингдек тадқиқот натижаларининг халқаро маълумотлар билан таққосланганлиги, чиқарилган хулоса ва олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланган. Барча хулосалар ва амалий тавсиялар асосли ҳамда ишончли натижалардан мантиқий жиҳатдан келиб чиққан.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, Ўзбекистонда балоғат ёшидаги беморлар орасида пародонт касалликларининг тарқалиши; ушбу тоифадаги шахсларда пародонт касалликларининг ривожланишига таъсир этувчи микробиологик жиҳатлар; пародонт касалликлари билан касалланган балоғат ёшидаги шахсларда иммунологик хусусиятлар аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, балоғат ёшидаги шахсларда пародонт касалликлари кечишининг клиник хусусиятлари; пародонт касалликлари билан касалланган балоғат ёшидаги шахсларда иммунологик ва микробиологик ўзгаришлар; ушбу тоифадаги шахсларда пародонт касалликларини тавсия этилаётган даволаш схемаси батафсил тавсифланган ва келтирилган.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Балоғат ёшидаги шахсларда пародонт касалликларини даволаш ва олдини олиш усулларини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар Самарқанд вилоят стоматология поликлиникаси амалиётига тадбиқ этилди (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашнинг 25.09.2024 йилдаги 6-сонли №6/46 йиғилиш баённомаси).

биринчи илмий янгилик: балоғат ёшидаги шахсларда пародонт тўқимасининг яллиғланиш зарарланишининг тарқалиши ва интенсивлиги тўғрисида илмий маълумотлар аниқлаштирилган ва тизимлаштирилган. Илмий янгиликнинг аҳамияти: Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, Ўзбекистонда балоғат ёшидаги беморлар орасида пародонт касалликларининг тарқалиши аниқланган. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: ишлаб чиқилган услублар соғлиқни сақлаш амалиёт тизимига, хусусан, СамДТУ Кўп тармоқли клиникасининг 29.12.2023 йилдаги 154-сонли буйруғи, Самарқанд вилоят стоматология поликлиникасининг 29.12.2023 йилдаги 127-сонли буйруғи, 29.12.2023 йилдаги 20-12/154-сонли буйруғи билан, Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани тиббиёт бирлашмаси 3-сонли болалар стоматология поликлиникасининг 28.12.2023 йилдаги 61/62-сонли буйруқлари билан жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашнинг 15.07.2024 йилдаги 3-сонли №03/06 йиғилиш баённомаси). Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги СТП ни эрта аниқлашга имкон беради. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги: олинган тадқиқот натижалари маркер сифатида ишлатилиши мумкин бўлган клиник лаборатор кўрсаткичларни ўрганишдан иборат. Шунингдек, тиббий стоматологик кўрик даволашга муҳтожларни эрта аниқлаш ва назоратга олиш имконини беради, уни амалиётга қўллаш даволаш сарф-ҳаражатларидан 400 000 сўм тежашга имкон беради. Илмий янгиликдан кенгайтирилган ҳолда фойдаланиш: СТП иммунологик ва микробиологик жиҳатлари ва даволашини ҳисобга олган ҳолда эрта ташхислашдан иборат самарадорлиги асосида "Иммунологические аспекты патогенеза гингивита и пародонтита" номли услубий тавсиянома тасдиқланди (Самарқанд давлат тиббиёт университети Экспертлар кенгашининг 01.05.24 й.да 75-сон билан тасдиқланган). Ушбу услубий тавсия пародонт касаллигининг иммунологик жиҳатлари ва даволашини ҳисобга олган ҳолда эрта ташхислашдан иборат самарадорлигини оширишга имкон беради;

иккинчи илмий янгилик: оғиз суюқлигининг аэроб ва анаэроб культурали микробиоценози ҳақидаги маълумотлар тўлдирилган ва илк бор балоғат ёшидаги пародонт тўқима касалликларига чалинган шахсларда ОБШПнинг колонизацион резистентлиги аниқланган. Илмий янгиликнинг аҳамияти: ушбу тоифадаги шахсларда пародонт касалликларининг ривожланишига таъсир этувчи микробиологик жиҳатлар; пародонт

касалликлари билан касалланган балоғат ёшидаги шахсларда иммунологик хусусиятлар аниқланган. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: ишлаб чиқилган услублар соғлиқни сақлаш амалиёт тизимига, хусусан, СамДТУ Кўп тармоқли клиникасининг 29.12.2023 йилдаги 154-сонли буйруғи, Самарқанд вилоят стоматология поликлиникасининг 29.12.2023 йилдаги 127-сонли буйруғи, 29.12.2023 йилдаги 20-12/154-сонли буйруқ билан, Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани тиббиёт бирлашмаси 3-сонли болалар стоматология поликлиникасининг 28.12.2023 йилдаги 61/62-сонли буйруқлари билан жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашнинг 15.07.2024 йилдаги 3-сонли №03/06 йиғилиш баённомаси). Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги: Олинган тадқиқот натижалари маркер сифатида ишлатилиши мумкин бўлган клиник лаборатор кўрсаткичларни ўрганишдан иборат. Шунингдек, тиббий стоматологик кўрик даволашга мухтожларни эрта аниқлаш ва назоратга олиш имконини беради, уни амалиётга қўллаш даволаш сарф-ҳаражатларидан 400 000 сўм тежашга имкон беради. Илмий янгиликдан кенгайтирилган ҳолда фойдаланиш: СТП иммунологик ва микробиологик жиҳатлари ва даволашини ҳисобга олган ҳолда эрта ташхислашдан иборат самарадорлиги асосида "Иммунологические аспекты патогенеза гингивита и пародонтита" номли услубий тавсиянома тасдиқланди (Самарқанд давлат тиббиёт университети Экспертлар кенгашининг 01.05.24 й.да 75-сон билан тасдиқланган). Ушбу услубий тавсия пародонт касаллигининг иммунологик жиҳатлари ва даволашини ҳисобга олган ҳолда эрта ташхислашдан иборат самарадорлигини оширишга имкон беради.

учинчи илмий янгилик: пародонт тўқима касалликлари билан касалланган балоғат ёшидаги шахсларнинг қон зардобида ҳужайравий ва гуморал иммунитет, цитокин профили ва яллиғланишнинг ўткир босқичи оксиллари параметрларининг ўзгариши ҳақидаги маълумотлар аниқланган ва тўлдирилган. Илмий янгиликнинг аҳамияти: Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, балоғат ёшидаги шахсларда пародонт касалликлари кечишининг клиник хусусиятлари, пародонт касалликлари билан касалланган балоғат ёшидаги шахсларда иммунологик ва микробиологик ўзгаришлар аниқланган. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: ишлаб чиқилган услублар соғлиқни сақлаш амалиёт тизимига, хусусан, СамДТУ Кўп тармоқли клиникасининг 29.12.2023 йилдаги 154-сонли буйруғи, Самарқанд вилоят стоматология поликлиникасининг 29.12.2023 йилдаги 127-сонли буйруғи, 29.12.2023 йилдаги 20-12/154-сонли буйруқ билан, Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани тиббиёт бирлашмаси 3-сонли болалар стоматология поликлиникасининг 28.12.2023 йилдаги 61/62-сонли буйруқлари билан жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашнинг 15.07.2024 йилдаги 3-сонли №03/06

йиғилиш баённомаси). Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги: СТПни даволашда узоқ муддатли терапевтик натижа бериши билан самаралидир ва беморларнинг клиникага қатновлари сонининг камайиши билан изоҳланади. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги: Олинган тадқиқот натижаларига кўра пародонтологик индекслар ёрдамида ва иммунологик маркерлар қўлланган ҳолда СТП билан касалланган беморларда даволашга муҳтожлиликни эрта аниқлаш ва назоратга олиш, шунингдек даволаш сарф-харажатларидан 400 000 сўм тежаш имконини беради. Илмий янгиликдан кенгайтирилган ҳолда фойдаланиш: СТПни даволашда пародонтологик индекслар ёрдамида касалликни эрта аниқлаш ва даволаш амалиёти самарадорлиги асосида "Современные методы диагностики заболеваний пародонта" номли услубий тавсияномаси тасдиқланди (Самарқанд давлат тиббиёт университети Экспертлар кенгашининг 01.05.24 й.да 76-сон билан тасдиқланган). Ушбу тавсиялар стоматологларга ўсмирлар ва ёшларда пародонт тўқимасидаги касалликларни сифатли ва эрта ташхислашнинг замонавий ёндашувлари ҳақида маълумот беради.

тўртинчи илмий янгилик: ушбу тоифадаги ҳамда пародонт тўқимасидаги дистрофик-яллиғланишли зарарланишларнинг дастлабки ва ривожланган шакллари билан касалланган беморларни даволашнинг асосий кўрсатмалари маҳаллий ва умумий таъсирдаги патогенетик йўналтирилган даволаш схемалари ёрдамида клиник кўринишлар ва ижобий узоқ муддатли натижаларга эга лаборатор тадқиқотларни ҳисобга олган ҳолда илмий асосланган. Илмий янгиликнинг аҳамияти: пародонт касалликлари билан касалланган балоғат ёшидаги шахсларда иммунологик ва микробиологик ўзгаришлар; ушбу тоифадаги шахсларда пародонт касалликларини тавсия этилаётган даволаш схемаси батафсил тавсифланган ва келтирилган. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: ишлаб чиқилган услублар соғлиқни сақлаш амалиёт тизимига, хусусан, СамДТУ Кўп тармоқли клиникасининг 29.12.2023 йилдаги 154-сонли буйруғи, Самарқанд вилоят стоматология поликлиникасининг 29.12.2023 йилдаги 127-сонли буйруғи, 29.12.2023 йилдаги 20-12/154-сонли буйруқ билан, Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани тиббиёт бирлашмаси 3-сонли болалар стоматология поликлиникасининг 28.12.2023 йилдаги 61/62-сонли буйруқлари билан жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашнинг 15.07.2024 йилдаги 3-сонли №03/06 йиғилиш баённомаси). Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги: СТПни даволашда узоқ муддатли терапевтик натижа бериши билан самаралидир ва беморларнинг клиникага қатновлари сонининг камайиши билан изоҳланади. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги: Олинган тадқиқот натижаларига кўра пародонтологик индекслар ёрдамида ва иммунологик маркерлар қўлланган ҳолда СТП билан касаланган беморларда даволашга муҳтожлиликни эрта аниқлаш ва назоратга олиш,

шунингдек даволаш сарф-харажатларидан 400 000 сўм тежаш имконини беради. Илмий янгиликдан кенгайтирилган ҳолда фойдаланиш: СТПни даволашда пародонтологик индекслар ёрдамида касалликни эрта аниқлаш ва даволаш амалиёти самарадорлиги асосида "Современные методы диагностики заболеваний пародонта" номли услубий тавсияномаси тасдиқланди (Самарқанд давлат тиббиёт университети Экспертлар кенгашининг 01.05.24 й.да 76-сон билан тасдиқланган). Ушбу тавсиялар стоматологларга ўсмирлар ва ёшларда пародонт тўқимасидаги касалликларни сифатли ва эрта ташхислашнинг замонавий ёндашувлари ҳақида маълумот беради.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари жами 3та, жумладан 1 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида, симпозиумларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 14 та мақола, жумладан, 5 таси республика ва 9 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертациянинг таркиби кириш, бешта боб, хотима, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, унинг ҳажми 122 бетдан ташкил топган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, шунингдек, ўтказилган тадқиқотнинг республикада фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги таъкидланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва олинган натижаларнинг амалий қиймати қайд этилган, унинг ишончлилиги асосланган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилинганлиги билан боғлиқ материаллар, иш апробацияси натижалари, нашр қилинган ишларга ҳаволалар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **"Пародонт касалликларининг патогенези, диагностикаси ва замонавий даволаш тамойиллари: илмий адабиётлар шарҳи"** деб номланган **биринчи бобида** муаммонинг долзарблигини ҳисобга олган ҳолда сурункали тарқалган пародонтитнинг этиологияси ва патогенези масалалари ўрганилган. Касалликнинг ривожланишида микрофлоранинг роли, шунингдек диагностика ва даволашда қўлланиладиган рентген текшируви усуллари кўриб чиқилган. Илмий адабиётларни таҳлил қилиш замонавий пародонтологик муаммолар ва уларни ҳал этишга бўлган ёндашувлар ҳақида умумий маълумот олишга имкон берди. Буларнинг барчаси муаммони чуқурроқ тушунишга ва ушбу касалликни даволашнинг самарали стратегиясини ишлаб чиқишга ёрдам беради.

Диссертациянинг **"Тадқиқот материаллари ва усуллари ҳамда пародонт касалликларини баҳолаш"** деб номланган **иккинчи бобида** тадқиқот материаллари, шунингдек олдинга қўйилган вазифаларни ҳал этиш усуллари тасвирланган. Сурункали тарқалган пародонтитни олдини олиш ва даволаш бўйича комплекс дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш мақсадида 2022-2024 йилларда Самарқанд вилоят стоматология поликлиникасида 141 нафар бемор стоматологик текширувдан ўтказилди. Улардан 10-16 ёшли мактаб ўқувчилари 74 кишини ва 17-19 ёшдаги талабалар 67 нафарни ташкил этишди.

Таққослаш учун, 20-44 ёшдаги 35 кишидан иборат назорат гуруҳи шакллантирилди. Шундай қилиб, тадқиқотда 176 киши иштирок этди, улардан учта гуруҳ тузилди:

- I-гуруҳ 10-16 ёшдаги шахслар (мактаб ўқувчилари) - 74 киши (42,0%);
- II-гуруҳ 17-19 ёшдаги шахслар (талабалар) – 67 киши (38,1%);
- III-гуруҳ (назорат) –20-44 ёшдаги шахслар 35 киши (19,9%).

**1-жадвал.**

### Тадқиқот гуруҳларидаги беморларнинг жинсига кўра тақсимланиши(%)

Тадқиқот гуруҳлари					
I-гуруҳ		II-гуруҳ		III-гуруҳ	
Э	А	Э	А	Э	А
40	34	35	32	18	17
54,0 %	46,0 %	52,2%	47,8%	51,4%	48,6%

Пародонт тўқимасининг ҳолатини дастлабки баҳолаш ва кейинги даволаш тактикасини аниқлаш учун PSR (Periodontal Screening and Recording) пародонтал скрининг тести қўлланилган.

Оғиз бўшлиғининг гигиеник ҳолати J. Greene и J. R. Vermillion - OHI-S (Simplified Oral Hygiene Index) нинг соддалаштирилган гигиена индексига мувофиқ баҳоланган.

Гигиеник ҳолатни қўшимча баҳолаш учун аппроксимал юзаларда тиш карашининг соддалаштирилган индекси— API аниқланган (D.E. Lange, H. Plagmann).

Милк яллиғланиш даражаси Парма модификацияси бўйича умумий қабул қилинган пародонтал индекс (РМА) бўйича баҳоланган.

Пародонт тўқимасининг ҳолатини комплекс тарзда баҳолаш учун пародонтал индекс (ПИ) (Russell) қўлланилган.

Сурункали тарқалган пародонтит билан касалланган беморларнинг оғиз бўшлиғидаги микрофлорасини аниқлаш учун “Анаэрогаз” газ ишлаб чиқарувчи пакетлар (ИНКО, Россия) ёрдамида микроанаэроостатлардан фойдаланилган.

ИФТ усулида “Вектор-Бест” (Россия) тест-тизимларини қўллаган ҳолда қон зардобидаги CD-3, CD-4, CD-8, CD-22, CD-72 ва IgG, IgA, IgM, IgE хужайравий иммунитет кўрсаткичлари аниқланган.

ИФТ усулида “Вектор-Бест” (Россия) тест-тизимларини қўллаган ҳолда қон зардобидаги IFN- $\gamma$ , TNF- $\alpha$ , IL-1, IL-6 яллиғланиш олди цитокинлари ва IL-2а яллиғланишга қарши цитокин аниқланган.

Тадқиқот материалларига параметрик ва нопараметрик таҳлил усуллари ёрдамида статистик ишлов берилди. Дастлабки маълумотларни тўплаш, тузатиш, тизимлаштириш ва олинган натижаларни визуализация қилиш Microsoft Office Excel 2010 электрон жадвалларида амалга оширилди.


Диссертациянинг **"Пародонт касалликлари билан касалланган балоғат ёшидаги беморларни текшириш натижалари"** деб номланган **учинчи бобида** клиник, стоматологик ва лаборатор текширув маълумотлари таҳлил этилган.

I- ва II- гуруҳ беморлари ўртасида пародонт тўқималари касалликларининг тарқалиши ва тузилишининг қиёсий таҳлили ўтказилди. Ўтказилган тадқиқотлар натижасида биз I-гуруҳ шахсларида пародонтитнинг (маҳаллий, тарқалган) тарқалиши текширилганларнинг 43,47% ини ташкил этганини аниқладик, у 53,87% га тенг бўлган II-гуруҳ шахслари билан таққосланади,  $p > 0,05$ . Балоғат ёшидаги шахсларга нисбатан назорат гуруҳида пародонтит тарқалишининг кўпайиши (63,83%) ва бир вақтнинг ўзида гингивит тарқалишининг камайиши (30,05%) эътиборни тортади, ушбу ҳолат бошқа муаллифларнинг маълумотларига тўғри келади.

Биз асосий гуруҳ беморлари орасида ортопантограмма (ОПТГ) рентгенологик текширувини ўтказдик. I-II-гуруҳ беморларини ўрганишда ОПТнинг II-гуруҳда енгил даражали оғирлиги мавжуд эканлиги аниқланди, рентгенологик таҳлил маълумотлари бўйича пародонт суяк тўқимасида ўзгаришлар, остеопороз ўчоқлари аниқланмади. Ортопантограммада тиш

илдизлари юқори бўлимларида периодонтал ёриқ кенгайиши 17,8% ҳолатда қайд этилди.


Биз тадқиқотнинг I- ва II-гурӯхлардаги беморларда тарқалган пародонтит кечишининг хусусиятларини ўргандик. I- гурӯхдаги ТП билан касалланган беморларда милкларнинг ифодаланган қонаши текширилганларнинг 58,22±4,35%ида кузатилган, қайсиким II-гурӯхдаги ТП қайд этилган беморларга қараганда 1,58 мартаба кўпроқ бўлган  $p < 0,01$ . I-гурӯхдаги 56,15±4,36 шахс милкда оғриқ бўлишини билдирган, қайсиким II- гурӯх шахсларига қараганда 1,28 баравар кўпроқ, яъни 43,61±5,58,  $p < 0,05$  бўлган. Ифодаланган гиперемия I-гурӯхдаги текширилганларда ўрганилаётган II – гурӯх маълумотларига қараганда 2,38 баравар кўпроқ кузатилган (1-расм).



**1-расм.** Балоғат ёшидаги тадқиқот гурӯхларида тарқалган пародонтит кечишининг клиник варианты симптомлари

Пародонтал чўнтаклардан сероз-йирингли ажралмалар ТП билан касалланган I-гурӯх беморларида ТП қайд этилган II-гурӯх шахсларига қараганда 1,21 баравар кўпроқ аниқланган, аммо олинган маълумотлар ўзаро статистик аҳамияти билан фарқ қилмаган (мос равишда 53,08±4,45% ва 43,67±5,52%). Чуқур пародонтал чўнтаклар I-гурӯхдаги 66,68±4,13% шахсларда аниқланган, қайсиким II-гурӯх беморларидаги тегишли қийматлардан 1,65 баравар кўпроқ бўлган,  $p < 0,01$ .

Ўтказилган тадқиқот натижасида биз пародонтал скрининг - PSR индексининг қийматлари I- ва II-гурӯхлардаги шахсларда мос равишда 2,74±0,12 ва 2,38±0,07,  $p < 0,05$  ни ташкил этганлигини аниқладик, ушбу ҳолат оғиз бўшлиғининг профессионал гигиенасини ўтказишга, яллиғланишга қарши терапияни тайинлашга, илғор диагностика ва кенг қамровли даволаш чораларини жорий этишга асос бўлди (2-расм).



**2-расм.** Балоғат ёшидаги тадқиқот гуруҳлари беморларида оғиз бўшлиғи гигиенаси ва пародонт тўқимаси ҳолатини индексли баҳолаш.

**Изоҳ:** \* $p < 0,05$ ; \*\* $p < 0,01$  – I- гуруҳ маълумотларига нисбатан қийматларнинг ишончли фарқи.

Оғиз бўшлиғидаги гигиенанинг ёмонлигини кўрсатадиган OHI - S индексининг максимал қиймати  $2,35 \pm 0,08$  балл ни ташкил этиб, I-гуруҳ беморларида кузатилган. II-гуруҳ шахсларида ушбу индекснинг қиймати  $1,68 \pm 0,17$  балл,  $p < 0,05$  га тенг бўлиб, оғиз бўшлиғидаги гигиенанинг қониқарсиз даражада эканлигини кўрсатган.


API индексининг қиймати қониқарли гигиеник ҳолатдан далолат берган ва I-гуруҳ беморларидаги энг юқори маълумотлардан ( $47,66 \pm 2,05\%$ ) II-гуруҳ шахсларидаги энг паст кўрсаткичгача -  $33,17 \pm 1,89\%$ ,  $p < 0,01$  қайд этилган.

PMA индексининг қиймати I- ( $51,30 \pm 1,33\%$ ) ва II- ( $46,46 \pm 1,35\%$ ) гуруҳлардаги беморларда энг юқори бўлган,  $p < 0,01$ . Шунингдек, PMA индексининг маълумотлари I- гуруҳда оғир даражали симптоматик гингивитни, II-гуруҳда эса ўртача даражали гингивитни кўрсатган.

I-гуруҳ беморларида PI пародонтал индексининг қиймати II-гуруҳ беморларига қараганда 1,85 баравар юқорироқ эди (мос равишда  $2,59 \pm 0,16$  балл ва  $1,40 \pm 0,09$  балл,  $p < 0,05$ ).

Диссертациянинг "**Пародонт тўқима касалликлари билан касалланган балоғат ёшидаги беморларнинг микробиологик ва иммунологик кўрсаткичлари**" деб номланган тўртинчи бобда тақдим этилган маълумотлар асосида биз тарқалган пародонтитни комплекс даволашнинг стоматологик ҳолат параметрларига, микроорганизмлар таҳлилига, тизимли яллиғланиш маркерларига ва сўлакнинг минерал таркибига таъсирини баҳоладик.

Бизнинг тадқиқотимиз балоғат ёшида пародонт тўқима касалликларининг мавжудлиги оғиз бўшлиғида аэроб ва анаэроб микрофлоралар популяциясининг кўпайиши билан кечишини кўрсатди (3-расм).



**3-расм. Тадқиқот гуруҳидаги беморларнинг оғиз суюқлигидаги микробиотанинг таркиби (%)**

*Изоҳ: \* $p < 0,01$ ; \*\* $p < 0,05$  - назорат гуруҳидаги маълумотларга нисбатан қийматларнинг ишончли фарқи.*

3 расмда I- гуруҳ шахсларида экилган аэроб микрофлоранинг частотаси таҳлил қилиниши оғиз суюқлигида ушбу гуруҳдаги текширилганларнинг 98,0%ида аниқланган *St. Aureus* нинг кўплигини кўрсатди,  $p < 0,01$ . Аэроб микрофлоранинг бошқа вакиллари нинг назоратдаги маълумотларга қараганда сезиларли даражада камроқ эди: *Str. mutans* (16,53% ва 85,56%,  $p < 0,01$ ), *Str. sanguis* (10,30% ва 85,56%,  $p < 0,01$ ), *Str. salivarius* (16,53% ва 72,22%,  $p < 0,01$ ), *Str. mitis* (13,41% ва 82,22%,  $p < 0,01$ ).

II-гуруҳ шахсларида *St. aureus* туридаги микроорганизмлар 1,85 баравар камроқ бўлган,  $p < 0,01$ . Шунингдек, *Str. mutans* нинг 5,66 баравар, *Str. sanguis* нинг 7,0 баравар, *Str. milleri* нинг 3,34 баравар, *Str. mitis* нинг 8,0 баравар, *Str. salivarius* нинг 3,8 баравар камайиши қайд этилди,  $p > 0,05$ . Оғиз суюқлиги анаэроб микрофлорасининг биотопини таҳлил этишда II-гуруҳ шахсларида I-гуруҳдаги маълумотларга қараганда *Treponema denticola* 1,64 мартаба, *Fusobacterium nuclear* деярли 1,3 мартаба кўпроқ аниқланганлиги эътиборни тортади,  $p < 0,05$ . Шунингдек, I-гуруҳдаги шахсларда II-гуруҳ маълумотларига қараганда экилган *Peptostreptococcus* частотаси 1,3 баравар ва *Actinomycetes* 1,5 баравар кўпроқ эканлиги кузатилган,  $p < 0,01$ .

Ўтказилган тадқиқотлар натижасида аниқланишича, тадқиқот гуруҳларидаги беморларда назорат гуруҳидаги амалий соғлом кишиларга қараганда оғиз бўшлиғининг аэроб ва анаэроб микрофлора билан микробиал ифлосланишининг ортиши аниқланган,  $p < 0,01$ ,  $p < 0,05$ .

I-гуруҳда пародонт тўқимаси касалликларининг интенсивлигига қараб оғиз бўшлиғи шиллик пардасининг колонизацион резистентлик кўрсаткичларини (КРК) скрининг баҳолашда айрим ўзгаришлар аниқланган. Оғиз бўшлиғи шиллик пардасидаги колонизацион резистентлик кўрсаткичлар тўсиғининг бостирилиши (КРК-0) кўпинча ПЯКда (84,35% кишида),  $p < 0,05$  ва ТП енгил даражасида (56,15% беморларда)  $p > 0,05$ ,  $p > 0,05$  кузатилган. Шунингдек, цитологик суртмаларда (КРК-0) ТП ўрта оғир даражаси билан касалланган 32,41% шахсларда  $p < 0,05$ , ва ТП оғир даражаси билан

касалланган 11,0% беморларда  $p, p_1 < 0,01, p_2 < 0,05$  қайд этилган. Пародонт тўқимасининг яллиғланиш касалликлари мавжуд бўлган беморларда (КРК-1) II-гуруҳдаги шахсларга қараганда 3,55 маротаба камроқ кузатилган ҳамда ПЯКнинг бошланғич ва ривожланган шаклларида умуман қайд этилмаган (2-жадвал).

**2-жадвал. Пародонт тўқима касалликларининг интенсивлигига қараб, болоғат ёшидаги шахсларда ОБШП колонизацион резистентлигини скрининг баҳолаш кўрсаткичлари (%)**

Аниқланиш частотаси	Назорат гуруҳи	ПЯК	УП энгил даражаси	УП ўрта даражаси	УП оғир даражаси
	M±m	M±m	M±m	M±m	M±m
0 балл	44,35±8,07	84,35±14,16###	56,15±17,80	32,41±13,57###**	11,0±0,53#*@@
1 балл	55,65±8,07	15,65±1,65#	0	0	0
2 балл	0	0	43,85±17,80	67,59±13,57	89,0±8,53*®
АЧ	53,14±2,16	3,35±1,12###	20,16±2,50#*	59,65±2,60*®	77,28±1,56#*®®
АС	63,10±3,11	57,40±4,00	43,12±4,75#**	91,26±3,28#*®	94,34±1,8#*®

*Изоҳ: 1.# $p < 0,01$ ; ## $p < 0,05$  - назорат гуруҳидаги маълумотларга нисбатан қийматлардаги ишончли фарқ;*

*2. \* $p_1 < 0,01$ ; \*\* $p_1 < 0,05$  – ПЯК билан касалланган беморлардаги маълумотларга нисбатан қийматларнинг ишончли фарқи;*

*3. @ $p_2 < 0,01$ ; @@ $p_2 < 0,05$  – энгил даражаси ТП билан касалланган беморлардаги маълумотларга нисбатан қийматларнинг ишончли фарқи;*

*4. ® $p_3 < 0,01$  - ўртача даражаси ТП билан касалланган беморлардаги маълумотларга нисбатан қийматларнинг ишончли фарқи.*

Пародонтологик касалликларнинг оғирлашуви билан (КРК-2) балл қайд этилган шахсларнинг частотаси: I-гуруҳ беморларида 55,24% дан ўрганилаётганларда 50,21% гача ортган,  $p < 0,01, p_1 > 0,05$ . Тадқиқот гуруҳларида цитологик суртмаларнинг (КРК-0) частотаси назорат гуруҳидаги маълумотлардан статистик қиймати билан фарқ қилмаслиги эътиборни тортади,  $p > 0,05$  ва ўзаро  $p_1 > 0,05$ .


Шунингдек, цитологик суртмаларда (КРК-2) ТПнинг энгил даражаси билан касалланган 43,85% шахсларда, ТПнинг ўртача оғирликдаги даражаси қайд этилган 67,59% текширилувчиларда,  $p_1 > 0,05$  ва ТПнинг оғир даражаси кузатилган 89,0% беморларда аниқланган.

АС қиймати назоратдаги маълумотларга қараганда: ПЯК билан касалланган шахсларда 4 маротаба,  $p < 0,05$ ; ТПнинг энгил даражасида 2,6 маротаба,  $p < 0,01, p_1 < 0,01$  камайган. ТПнинг ўртача ва оғир даражасида АС сони қиймати ошган ва назоратдаги кўрсаткичга нисбатан мос равишда 1,12 ва 1,45 маротаба юқориқроқ бўлган,  $p, p_1, p_3 < 0,01 p_2 > 0,05$ .

АИ қиймати ТПнинг энгил даражасида камайган ҳамда ПЯКда - 57,40±4,00%,  $p > 0,05$  максимал маълумотлар билан, ТПнинг энгил даражасида -43,12±4,75%,  $p < 0,01, p_1 < 0,05$  минимал қийматлар билан тавсифланган. УПнинг ўртача ва оғир даражасида АИ маълумотларининг мос равишда 91,26±3,28 ва 94,34±1,8 га қадар ошишга мойиллиги кузатилган,  $p, p_1, p_2, p_3 < 0,01$ .

Тадқиқотнинг асосий гуруҳи беморларида иммун тизимининг хусусиятларини ўрганиш натижалари назорат гуруҳидаги қийматларга

нисбатан хужайравий ва гуморал иммунитетда сезиларли ўзгаришларни кўрсатди (4-расм).



**4-расм. Тадқиқот гуруҳидаги беморлар қонида хужайравий ва гуморал иммунитет кўрсаткичлари**

*Изоҳ: \* $p < 0,01$ ; \*\* $p < 0,05$  - назорат гуруҳидаги маълумотларга нисбатан қийматлардаги ишончли фарқ;*


*\* $p < 0,01$ ; \*\* $p < 0,05$  – I-гуруҳдаги маълумотларга нисбатан қийматлардаги ишончли фарқ.*

I-гуруҳ шахсларида назорат гуруҳига нисбатан CD4-Т-хелперларининг 4,62% га,  $p > 0,05$  ва CD4/CD8 нисбатининг 1,5 баравар,  $p < 0,01$  ошиши фониди Т-лимфоцитлар CD3 антигенларининг 23,88%га ва Т-супрессорлар CD8 нинг 5,2%га,  $p < 0,01$  максимал пасайиши аниқланди. II-гуруҳда Т-лимфоцитлар CD3 антигенининг (назорат гуруҳига нисбатан) 19,28% га,  $p > 0,05$  ва CD8-лимфоцитларининг 1,5% га,  $p, p < 0,01$  га камайиши, CD4-лимфоцитларининг 3,18% га,  $p, p > 0,05$  га ва CD4/CD8 нисбатининг 1,16 баравар  $p > 0,05$ ,  $p < 0,01$  ошиши аниқланди.

Тадқиқот гуруҳлари беморларининг қонида В-лимфоцитлар CD22 антигенининг I-гуруҳда 3,6% га,  $p < 0,01$  ва II-гуруҳда 1,08% га,  $p > 0,05$ ,  $p < 0,01$  га камайиши аниқланди. В-лимфоцитлар CD72 антигенининг сони I-гуруҳда 2,5% га ва II-гуруҳда 1,37% га ортган,  $p > 0,05$ ,  $p < 0,01$ .

Ўрганилувчи шахслар қонида назорат гуруҳидаги шахсларнинг маълумотларига қараганда АИК сони: I-гуруҳда 1,4 баравар  $p < 0,01$  ва II-гуруҳда 1,37 баравар  $p, p < 0,01$  ошган.

Аниқланишича, соғлом шахслар қонида IFN- $\gamma$  таркиби  $10,43 \pm 2,11$  пг/мл ни ташкил этган, I-гуруҳда ушбу параметрнинг 1,5 баравар ошиши, II-гуруҳда эса аксинча, унинг 1,14 баравар камайиши кузатилган,  $p > 0,05$ . IL-1 назорат гуруҳида  $298,6 \pm 25,4$  пг/мл ни ташкил этган, I-гуруҳда у 1,69 баравар, II-гуруҳда эса 1,37 баравар юқорироқ бўлган,  $p > 0,05$ . I-гуруҳдаги IL-2а назорат қийматларидан 1,28 баравар юқори бўлган, II-гуруҳда у 1,62 мартаба камайган,  $p > 0,05$ . I-гуруҳдаги IL-6 назорат қийматларидан 1,17 баравар, II-гуруҳда эса 1,07 баравар юқори бўлган,  $p > 0,05$  (5-расм).



**5-расм.** Тадқиқот гуруҳларидаги беморлар қон зардобида цитокинлар ва яллиғланишининг ўткир босқичидаги оқсиллар таркиби

Ушбу параметр маълумотларининг максимал даражада ўсиши I-гуруҳдаги беморларда ўрганилган, қайсиқим назоратга қараганда 4,3 мартаба юқорироқ бўлган,  $p < 0,01$ . Мазкур кўрсаткичнинг камроқ даражада, яъни 1,93 мартаба ортиши II-тадқиқот гуруҳида кузатилди,  $p, p1 < 0,01$ .


I- ва II-гуруҳдаги беморлар қонида сиал кислоталар таркиби деярли бир хил бўлган,  $p1 > 0,05$ , ва назоратдаги маълумотлардан мос равишда ўртача 42,0% ва 32,0% га ошган,  $p1 < 0,01$ .

Диссертациянинг **“Пародонт яллиғланиш касалликлари билан касалланган беморларни даволаш-профилактик комплексдан кейин оғиз бўшлиғи ҳолатини ўрганиш натижалари”** деб номланган бешинчи бобида индивидуал клиник кўринишлар, патологиянинг босқичи ва оғирлигини таҳлил қилиш, шунингдек микробиологик, биокимёвий ва иммунологик тадқиқотлар ҳамда биз белгилаган киритиш/четлатиш мезонларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган даволаш комплексининг пародонт касалликларини клиник ва лаборатор кўринишига таъсирини асослаш ва баҳолашга имкон берди.

I-II-гуруҳдаги шахсларда даволаш қуйидаги схема бўйича амалга оширилди: оғиз бўшлиғи санацияси ва профессионал гигиенасидан сўнг маҳаллий терапия учун таркибида ифодаланган антиоксидант таъсирга эга Q10 Коэнзими мавжуд бўлган Dr.Clinic 2080 (Kerasys, Корея) тиш пастаси ишлатилди, уни овқатдан кейин кунига 3 маҳал қўллаш тавсия этилди. Оғиз бўшлиғини чайқаш учун эвгенол ва диглюконат хлоргексидинни ўз ичига олган “Parodontax Милкларнинг кундалик ҳимояси” (GlaxoSmithKline, Словакия) антисептик эритмаси тайинланди. У тиш қарашига ва патоген бактериялар томонидан ажраладиган токсинларга қарши самарали таъсир кўрсатади ва гингивитнинг вужудга келишини олдини олади. Чайқаш воситасини кунига икки маҳал (эрталаб ва кечкурун) тишларни тозалагандан сўнг 30 кун давомида қўллаш тавсия этилди. Асосий гуруҳ беморларида патогенетик маҳаллий фармакотерапия воситаси сифатида микробга қарши “Бикозен Дента” (Pharmason LLC, Ўзбекистон) гели аппликация шаклида милкларга кунига икки маҳал 30 дақиқадан 10 кун давомида қўлланилди.

Умумий даволаш схемасига ичиш учун “Ципро-SD” антибиотики киритилди. Асосий таъсир этувчи моддаси 0,15 г бензидамин гидрохлорид бўлган, оғриқсизлантирувчи ва антиэкссудатив хусусиятларга эга препарат - “Тантум Верде” спрейи (ишлаб чиқарувчи “АКРАФ”, Италия) тайинланди. “Тантум Верде” спрейини кунига уч маҳал 10 кун давомида қўллаш тавсия этилди. “Витрум Виталити 50+” препарати (“Walmark a.s.”, Чехия) - таркибида А, С, В1, В2, В3 (PP), В5, В6, В12, D3, Е витаминлари, фолий кислотаси; гинсенозидлар, рух, марганец, мис, кальций, диметиламиноэтанол бўлган витамин-минерал комплексиدير. Ушбу поливитаминли комплексни кунига 1 таблеткадан 30 кун давомида қабул қилиш тавсия этилди.

Асосий гуруҳда клиник симптомларни аниқлаш частотасини таҳлил қилиш ўтказилган даводан 3 ой ўтгач милкларнинг қонаши, тишларнинг патологик қимирлаши ва пародонтал чўнтаклар беморларнинг 20,04% ида, рентген ўзгаришлар 29,46% ида ташхисот этилганлигини, беморларнинг ҳеч бирида милклар гиперемияси, оғриши ва пародонтал чўнтаклардан сероз-йирингли ажралмалар аниқланмаганлигини кўрсатди (6-расм).



